
ЖИНОЯТЧИЛИКНИ ОЛДИНИ ОЛИШ – ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Риштон туманида жиноятчиликни олдини олиш, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга яратиб берилаётган шарт-шароитларни бартараф қилиш юзасидан, тумандаги маҳалла фуқаролар йиғинларида жиноят муҳокама йиғилишлари бўлиб ўтмоқда.

Жумладан, кеча Бўжай МФЙ биносида, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи М.Бекмирзаева ва туман ИИБ бошлиғи ўринбосари жамоат хафсизлиги хизмати бошлиғи подполковник Х.Тешабоевалар иштирокида жиноят муҳокама йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда, мутасадди раҳбарлар томонидан, 2021 йилда содир этилган жиноятлар юзасидан йиғилганларга тушунтириш берилиб келгусида бундай салбий ҳолатларни олдини олиш борасида тушунтиришлар берилди.

Шундан сўнг, М.Бекмирзаева ва унинг кексалар бўйича ўринбосари Т.Абдурахмоновлар, Пандигон МФЙда истиқомат қилувчи фуқаронинг мурожаатига асосан унинг оиласига бориб, ёш оиланинг ажрим ёқасига келиб қолиш сабабларини ўрганди. Олиб борилган суҳбат ва музокаралардан сўнг, Пандигон МФЙ раисининг хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосарига кўрсатмалар берган ҳолда оилани сақлаб қолиш юзасидан зарур чоралар кўриш бўйича топшириқ берди.

2022-02-26 05:59:43